

## **I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июнь ойларида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 13085,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 101,0 фоизга тенг бўлди.


### **Январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ ишлаб чиқариш**

	млрд. сўм		2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>11353,1</b>	<b>13085,4</b>	<b>101,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10362,4	12591,2	101,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	990,7	494,2	98,9
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>10362,4</b>	<b>12591,2</b>	<b>101,2</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4036,5	5149,3	103,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2996,5	3606,9	100,2
саноат	1931,3	2397,3	98,0
қурилиш	1065,2	1209,6	104,2
хизматлар	3329,4	3835,0	99,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	846,0	948,0	97,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	664,6	708,5	98,2
бошқа хизмат тармоқлари	1818,8	2178,5	100,7

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндисини оқшати ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,3 фоиз (ЯҲМ таркибидаги улуши – 40,9 фоиз), саноат – 98,0 фоиз (19,0 фоиз), қурилиш – 104,2 фоиз (9,6 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 97,8 фоиз (7,5 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 98,2 фоиз (5,6 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 100,7 фоиз (17,4 фоиз) ни ташкил этди.


**ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда**  
(2020 йил январь-июнь )




Жорий йил январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (100,2 фоиз), хизматлар (99,5 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (103,3 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби. (фоизда)**

**2019 йил январь-июнь**



**2020 йил январь-июнь**




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 73,4 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-июнь ойларида 74,1 фоизни ташкил қилган.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)**

**2019 йил январь-июнь**

**2020 йил январь-июнь**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2020 йил январь – июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 30,5 фоиз (2019 йил январь - июнь ойларида 32,1 фоиз) ни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,5 фоизни (2019 йил январь - июнь ойларида 8,2 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 7,5 фоизни (8,2 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 17,4 фоизни (17,5 фоиз) ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 9786,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,6 фоизни ташкил этди.